O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 7 июль, № 130 (4029) Жума

ҚОДИРИЙ ТЕРГАН ГУЛЛАР



Замонавий шаҳарсозликда хиёбонлар ва боғлар экологик мувозанатни сақлашда жуда муҳим ўрин тутади. Бу жиҳат ишлаб чиқариш, саноат ва бошқа соҳалар жадал ривожланиб бораётган, тобора чирой очаётган пойтахтимиз учун ҳам хосдир. Ана шу фикрларни хаёлдан ўтказар эканмиз, биз мустақиллик йилларида бутунлай янгича қиёфа касб этиб, пойтахтимизнинг энг замонавий, гўзал гўшаларидан бирига айланган Эски шаҳарга равона бўлдик.

Эски шаҳарга ҳатто 2-3 йил олдин келган одам ҳам ҳозир бу ерлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини тан олади. Авваллари диққинафас торкўчалар, машина ва автобусларнинг бетартиб ҳаракати билан ном чиқарган йўллар ўрнида шаҳарнинг асосий қисмларига бориб туташувчи равон шоҳкўчалар, замонавий ер ости йўлаклари бунёд бўлди. Деярли қайта қурилиб, янада файз кирган Эски Жўва бозори ҳам миллий руҳ, ҳам замонавий кўриниш касб этди. Аҳоли шинам, баланд иморатларга кўчиб ўтди, даҳанинг электр, канализация, сув, газ, алоқа тармоқлари бутунлай янгиланди. Тубдан реконструкция қилинган Ўзбек миллий академик драма театри, Давлат цирки, «Чорсу» универмаги, «ЖАР» спорт мажмуи, «Чорсу» меҳмонхонаси, қурувчиларимизнинг шижоатли меҳнати натижаси бўлмиш Болалар ижодиёти маркази, Замонавий либослар галереяси, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи, бошқа кўплаб янги иншоотларни кўрган киши ҳудудда нақадар улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини ҳис этади. Таҳсинга лойиқ жиҳати шундаки, бу эзгу ниятларнинг барчаси айнан мустақиллик йилларида, Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлиги ва кўрсатмалари асосида рўёбга чиқди.

Биз Эски шаҳар бўйлаб сайримизни Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғидан бошладик. Маълумотларга қараганда, ушбу боғ пойтахтимиздаги шу каби 11 та дам олиш маскани орасида майдони ва аҳамияти жиҳатидан алоҳида ўрин тутади. Қарийб 20 гектар ҳудудни эгаллаган боғ қисқа давр ичида Эски шаҳар аҳлининг, айниқса, болажонларнинг энг севимли жойига айланди.

— Очиғи, пойтахтнинг аҳоли энг зич жойлашган мавзеи учун бундай истироҳат боғи жуда зарур эди, — дея сўз бошлади шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси вакили Эргаш Машаев боғ ҳақида маълумот бераркан. — Ёдингизда бўлса, ўтган йил худди шу вақтда бу боғ улкан қурилиш майдонига айланиб кетган эди. Қурувчиларимиз Мустақиллик байрамига Эски шаҳар аҳлига ажойиб совға ҳозирлашди. Ташландиқ ҳолга келган боғ тўла реконструкциядан чиқарилди. 100 минг кв.м. майдонда майсазорлар яратилиб, минг тупдан зиёд дарахт ўтказилди. Боғни қайта таъмирлаш ташаббуси илгари сурилган пайтда Президентимиз томонидан ҳам шаҳарнинг ушбу қисмида микроиқлим, яъни ҳимоя зонасини яратиш вазифаси қўйилган эди. Эндиликда бу вазифа уддаланди.

Ушбу боғ нафақат дам олиш, балки аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун ҳам хизмат қилади. Биз мутахассисдан шу ҳақда ҳам сўрадик.

— Абдулла Қодирий боғи ҳудуди жиҳатидан шаҳримиздаги Ўзбекистон миллий боғи, Бобур, Ғафур Ғулом номидаги боғлардан кейинги тўртинчи ўринда туради. Майдоннинг катталиги эса боғда дам олиш гўшалари билан бирга маданий муассасаларни ҳам жойлаштириш имконини беради. Айнан шу мақсадда бу ерда маданий ва оммавий тадбирларга хизмат қилувчи, 2000 дан ортиқ одамга мўлжалланган янги саҳна барпо этилди. Бошқармада ҳар йили махсус режа ишлаб чиқилиб, дам олиш кунлари мунтазам турли тадбирлар ўтказилмоқда. Боғ атрофини кўпқаватли уйлар ўраб олгани туфайли аҳоли, айниқса, болалар кечки пайт шу ерда тўпланишини эътиборга олсак, маданий тадбирлар жуда муҳим аҳамият касб этади. Шаҳримиздаги мактабларда ташкил этилган лагерлар вакиллари, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун бепул аттракционлар ташкил қилиниши ушбу оромгоҳга одамларни жалб этишда катта ёрдам берди.

— Хиёбон болаларнинг севимли масканига айлангани яхши албатта. Аммо уларнинг хавфсизлигини таъминлашни ўйлашга тўғри келар...

— Дарҳақиқат, болалар хавфсизлиги алоҳида эътибор талаб этади ва Абдулла Қодирий боғида бу борада етарли чоралар кўрилган. Барча аттракционлар, ўйин майдончалари, сув ҳавзаси хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беради. Агар боғда оммавий тадбирлар ўтказилаётган бўлса ва келувчилар сони 100 нафардан ортса, туман Ички ишлар бўлими ходимлари ҳам жалб этилади. Қолган пайтларда боғ маъмурияти хавфсизликни таъминлайди.

Шу кунларда боғда маданий тадбирлар авжида. Боғ директори Бахтиёр Мажидовнинг айтишича, дам олиш кунлари Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов туманлари маданият уйлари вакиллари, шаҳар симфоник оркестри жамоаси турли концертлар уюштирмоқда. Фарғоналик Турсунали ака раҳбарлигидаги дорбозларнинг қизиқарли чиқишлари эса болажонлар учун унутилмас томошага айланди.

Бизнинг эътиборимизни боғнинг қоқ марказига ўрнатилган ҳайкални томоша қилаётган икки болакай ўзига тортди. «Мени ҳамон ўқурлар ва унутмаслар» дея ёдгорликдаги ёзувни овоз чиқариб ўқиди улардан бири. Бу ҳайкалтарош Жалолитдин Миртожи Турсунбой ўғли ижодига мансуб ҳайкалга битилган бобомиз Абдулла Қодирийнинг сўзлари эди. Гўё ўзбек романчилигининг отаси неча-неча замонлардан ўтиб бугунги истиқлол чечакларидан баҳра олаётгандай, авлодлари яратган боғу бўстон гулларидан тераётгандай.

Ботиржон ҒОФУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: боғнинг бугунги киёфаси.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2006 йилнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

ЯРИМ ЙИЛ САРҲИСОБИ

Унда ҳисобот даврида соҳа корхоналарининг фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

2006 йилнинг биринчи ярим йиллик натижалари бўйича 262,1 миллиард сўмлик (2005 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 138,9 % га ўсиш), шу жумладан, алоқа ва ахборот-коммуникациялар технологиялари соҳасида 247,8 миллиард сўмлик (137,3 %), ахборот ва матбуот соҳасида 14,3 миллиард сўмлик (174,4 %) хизмат кўрсатилди.

Ҳисобот даврида мобил алоқаси абонентларининг сони 1 750,0 минг нафарга етгани, Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланувчилар сони 1 200,0 минг кишини ташкил қилгани ҳамда давлат бошқарув органларида ахборот технологиялари жорий этилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг бажарилиши ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишнинг чора-тадбирлари дастури ва Инвестициявий дастурнинг бажарилиши таҳлил қилинди. Мутасадди раҳбар ходимларнинг ушбу вазифаларни бажариш борасидаги масъулиятларини янада ошириш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, соҳалар фаолиятига оид қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларини изчил ва тўла бажаришни таъминлаш, идора ва ташкилотлар бошқарувининг барча бўғинлари иш фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари танқидий нуқтаи назардан кенг муҳокама қилинди. Бу борада тегишли иш режаси тасдиқланди.

Шу билан бирга, идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини, тайёрланаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини ошириш, давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

ОЙЛИК САМАРАЛИ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ шу йил 1 июндан 1 июлга қадар мамлакатимизда "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилди.



Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, ҳаракат хавфсизлиги ойлигида амалга ошириш кўзда тутилган тадбирлар режаси тўла бажарилган. Бунда ойликнинг ҳар ўн кунлик натижалари таҳлил қилиниб, аниқланган камчиликлар бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриб борилгани ўз самарасини берди.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлигига ички ишлар идораларининг 5 мингдан зиёд, жумладан, қарийб 2,5 минг нафар давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими жалб этилди. Тадбирнинг моҳияти ҳақида корхона, идора ва ташкилотлар, таълим муассасалари ва маҳаллаларда кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилди. Йўл ҳаракати қоидабузарлиги бўйича тузилган маъмурий ҳужжатлар маҳаллаларда ва меҳнат жамоаларида муҳокама этилди.

Болаларнинг кўча ва йўллардаги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мактабгача тарбия муассасалари ҳамда ёзги дам олиш оромгоҳларида 6 мингга яқин учрашув ва суҳбат ташкил этилди. Мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, ёзги дам олиш оромгоҳлари атрофидаги автомобиль йўлларида постлар ташкил этилиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилди.

Мамлакатимизнинг 13 минг 589 километр автомобиль йўли ва йўл иншоотлари кўрикдан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ҳокимликлар ва идораларга 382 та тақдимнома киритилди. Тадбир самарадорлигини ошириш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш ишлари қандай ташкил этилганини ўрганиш мақсадида манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда тузилган 285 та махсус гуруҳ томонидан 8 мингга яқин рейд ўтказилди.

Автохўжалик, машина ва трактор саройларида транспорт воситаларини сақлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, йўл белгиларини, сунъий ёритиш воситаларини ўрнатиш, пиёдалар йўлакларини таъмирлаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилди.

Ойликнинг дастлабки якунлари йўл-транспорт ҳодисалари ва жароҳатланганлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада камайганини кўрсатди. Бу эса ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар самарадорлиги янада ошганидан далолатдир.

Б.НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

«Бизни ҳеч ким танимасди»

Ҳаётда саволлар турлича бўлади. Умуман, умр саволлардан иборат. Кимдир билмаган нарсасини аниқлаш учун савол берса, яна биров суҳбатдошини мот қилиш учун сўрайди, баъзилар синаш мақсадида. Лекин ким қандай масала қўймасин, энг муҳими — берилган жавобда. Шу маънода «Сўл жавобга ўнг жавоб» рукнида газетхонларимизнинг фикрларини тақдим этишга аҳд қилдик.
Дарвоқе, «сўл савол»ни муштарийлар ҳам беришлари мумкин.

Сўл саволга ўнг жавоб

Савол: ***Агар ўн беш йил олдин мустақилликка эришмаганимизда бугунги ҳаётимиз қандай кечарди?***

Шавкат КАМОЛОВ, хусусий тадбиркор, Самарқанд вилояти:

— Хаёлимга келмаган саволни бердингиз. Шахсан мен давлатимизнинг бошқача бўлишини ҳечам тасаввур қилолмайман. Агар мустақил бўлмаганимизда, илгаригидай, бировнинг авзойига қараб, қуллуқ қилиб яшаётган бўлардик. Аввалгидай бир нарса сотиб олиш учун узундан узоқ навбат кутиб турардик. Ҳозиргидай тўкинсочинлик бўлмасди. Ҳали ҳам ўзлигимизни англай олмаган бўлардик. Бизни, Ватанимизни ҳеч ким танимасди, тан олмасди. Муқаддас байроғимиз жаҳон узра ҳилпирамас эди. Бугунгидай «мен ўзбекман» деб ғурурланиб юролмасдик.

Шаҳриддин ҒАНИЕВ, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси:

— Агар дедингиз... Мустақиллик тўғрисидаги хабарни эшиттанимда, дунёда мендан бахтли одам йўқ эди. Тарихимиз ҳақида кўп китоблар, асарлар ўқиганман. Ота-боболаримизнинг мустақил яшаш учун қон тўкишганини яхши биламан. Лекин мустақиллик улар учун армон бўлиб қолди. Мана, бизнинг давримизга келиб, элнинг ҳақиқий етакчиси майдонга чиқди. Шу инсон халқимизнинг минг йиллик орзуларини ушалтирди. Одамларни жипслаштирди. Агар истиқлол бўлмаганида буюк бобокалонларимизнинг, азиз-авлиёларнинг руҳи поклари бугунгидай шод бўлмасди. Шунинг учун «агар» дейиш ўринлимикин? Биз мустақил бўлишимиз керак эди. Бўлдик ҳам. Вассалом!

Манзура ДАНИЕВА, шифокор:

— Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари эди. Институтда ўқиб юрган пайтимизда бир дугонамизникига меҳмонга бордик. У институтимизни бир неча йил аввал битирганди. Бизни кўриб жуда хурсанд бўлди. Лекин нимагадир хомуш эди. Сўрасак, уни аёл деб ишга қабул қилишмаётган экан. Ўшанда юрагимга ҳадик ўтирди. Наҳот, эртага биз ҳам ана шу кўйга тушсак... Мустақил бўлмаганимизда ҳозир ана шундай хавотир билан яшардик. Ўзбек аёлининг бугунгидай жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, ҳам она, ҳам олим, ҳам раҳбар бўлиши орзуларимизда яшарди, холос.

Яна бир гап. Эски тизим бўлганида ёшларимизга ҳозиргидай эътибор билан қаралмасди. Уларнинг кўпчилиги компьютер ва бошқа янги технологиялар билан бемалол тиллашмаган бўларди. Бунга иймоним комил.

Шодиёр ОЧИЛОВ, қўшма корхона раҳбари, Жиззах шаҳри:

— Саволингизга жавобан битта савол бераман. Сиз аввалги шаҳар ва қишлоқларимизни эслайсизми? Пастаккина уйлар, эски мактаблар, оҳори тўкилган иморатлар, қинғир-қийшиқ кўчалар бўларди. Четга бориб келганларнинг баланд, гўзал биноларни, машинанинг тепасига идишга сув қўйиб ҳайдаса, бир томчиси тўкилмайдиган равон йўллар ҳақидаги ҳикояларини эшитиб, бизда ҳам шундай бўлармикан, деб юракларимиз орзиқиб кетарди. Бу нарсаларни йиллар давомида кутардик. Борди-ю, истиқлол насиб этмаганда ҳеч нарса ўзгармасди.

«Халқ сўзи» мухбири Салим ДОНИЁРОВ ёзиб олди.

Маданий ҳаёт

Пойтахтимизда 7 июлдан 6 августга қадар Иркутск мусиқали театри артистларининг гастрол сафари бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик катта театрида мазкур ташрифга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Иркутск театри юртимизда

Тадбирда сўзга чиққан театр бадиий раҳбари Владимир Шагиннинг айтишича, ижодий сафар «Биз Байкал бўйларидамиз» деб номланган гала концерт билан бошланади. Сўнгра турли жанрлардаги ўн иккита спектакль намойиш этилади. Улар орасида Федерик Лоунинг мюзикл жанридаги «Менинг гўзалим», Имре Кальманинг «Сильва», «Монамартр бинафшаси» оперетталари бор. Иркутсклик артистлар ёш театр ихлосмандларини ҳам унутишмаган. Улар ўзбекистонлик жажжи болажонлар учун «Ўн икки ой» мусиқали эртагини олиб келишган.

— Тўртинчи марта Тошкентга гастролга келишимиз, — дейди В. Шагин. — Ҳар сафар ўзбек томошабинларига янгиянги спектакллар олиб келамиз. Бу йилги асарларимиз ҳам ўзбек томошабинларига маъқул келишига ишончим комил.

Юлдуз РИЗАЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Долзарб мавзу

Бугун кимдан сўраманг, мустақиллик йилларидаги энг асосий ўзгаришлардан бири сифатида, аввало, мамлакатимиздаги бунёдкорликни эътироф этади. Ростдан ҳам, шу қисқа даврда юртимиз тамомила янгича қиёфа касб этди. Миллий меъморчилигимиз анъаналарини тиклаш билан бир қаторда замонавий кўринишдаги бино ва иншоотлар барпо этилди. Муҳташам кўприклар, кенг ва равон кўчаларимиз ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигимизни намоён этиб турибди. Эътиборлиси, бу эзгу ишлар юртимизда ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. Маҳаллаю кўчаларимизни ободонлаштириш, шаҳарлар ва олис қишлоқларимиздаги бунёдкорлик ҳамиша давом этаверади.

Бунда, авваламбор, Президентимизнинг ташаббуслари ва кўрсатмалари асосида йўлга қўйилган лойиҳалар, узоқни кўзлаган режалар муҳим омил бўлаётир. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типидаги посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорлари қабул қилинди.

Турар жойларни яшаш учун қулай ва кўркам қилиб бунёд этиш, йўлларни жаҳон талабларига мос ҳолатга келтиришни бугун даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бир жиҳати, аҳоли сони тобора ортиб бораётган бугунги кунда урбанизация суръати ҳам тезлашяпти. Хусусий уй-жойлар сони кўпаймоқда. Бу яхши, албатта. Лекин айримлар уларни ўзбошимчалик билан палапартиш қуриб ташлашлари оқибатида шаҳарни маъмурий режалаштиришда бир қанча муаммолар келиб чиқаётгани ҳам бор гап.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси бошлиғи Шодиёр ШОНАЗАРОВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ

замон талабларига мосми?

— Хусусий уй-жой қуришнинг белгиланган тартиблари бор. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда "Меъморий кенгаш"лар фаолияти ташкил этилган бўлиб, шаҳарларнинг бош режа билан таъминланиши, бош режага, муфассал режалаштириш ва қурилиш лойиҳаларига риоя этилиши, объектларни жойлаштиришда бош режа муаллифи билан келишиш лозимлиги белгиланган.

Бу борадаги ишларни тартибга солишда 2002 йилдан кўча кирган Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг аҳамияти катта. Унинг 53-моддасида "Аҳоли пунктларида ер майдонларидан фойдаланишга доир шаҳарсозлик талаблари" кўрсатиб ўтилган бўлса, 54-моддасида "Объектлар қурилишига рухсатнома бериш тартиби" белгиланган.

Ушбу кодексга кўра, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлик органлари шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашлари лозим. Улар объектлар қурилиши тўғрисида қарорлар қабул қилиш, шаҳарсозлик талабларига мос келмайдиган қурилишни чеклаш, ўзбошимчалик билан қурилган объектларнинг бузиб ташланишини ташкил этиш каби ваколатларга эга. Бу талаблар амалдаги Ер, Фуқаролик ва Уй-жой кодексларида ҳам қайд этиб ўтилган.

— Қурилаётган хусусий уй-жойлар ана шу тартибларга, шунингдек, йўл-транспорт, аҳоли пунктлари қурилиши режаларига жавоб берадими?

— Юқорида айтиб ўтилган Шаҳарсозлик кодексига биноан, тегишли ташкилотларнинг "шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини хабардор қилиб бориши" устувор вазифалардан биридир. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ҳам олиб бориляпти. Шунга қарамай, кўрсатилган чегаралардан чиқиб кетган ҳолда, кўчаларнинг қизил чизиғи ҳудудида барпо этилаётган қурилишлар ҳамон йўқ эмас. Ушбу ҳолатлар ўрнатилган тартиб ва талаблар асосида бартараф этилади, албатта. Лекин, биласизми, фалонча уй бузилди, мунча тартиббузар жавобгарликка тортилди, дейишнинг ўзи эшитган қулоққа яхши эмас. Негаки, битта уй қурилиши учун қанча маблағ, қанча ҳаракат сарф бўлишини яхши биламиз. Аммо баъзи кишилар тегишли қонун-қоидалардан, режалардан бохабар бўла туриб, эътироз билдиришади. Масалан, кенгайтирилиши лозим бўлган кўчаларга бесўнақай уйлар қуриб олиб, кейинчалик уни тузатишга тўғри келганда норози бўлишади. Аслида, бунга йўл қўймаслик учун қонун-қоидаларни бирров кўздан кечириш етарли.

Мана, бир мисол: 2005 йил 26 апрелда Президентимизнинг шаҳар қурилишида тегишли тартиб ўрнатиш ва уларнинг узоқ истиқболга мўлжалланган комплекс реконструкция қилинишини таъминлаш, шаҳар марказлари ва архитектура комплекслари қурилиши бош режаларида шаҳарларнинг транспорт магистраллари ва кўча-йўл тармоқларини комплекс ривожлантириш бўйича қабул қилинадиган лойиҳалар сифатини ошириш мақсадида "Шаҳарларда йўл қурилишини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори эълон қилинганди. Шунингдек, Президентимиз томонидан 2005 йил 30 августда аҳоли пунктларини қуришда аҳоли пунктларининг истиқболга мўлжалланган бутун инфратузилмасини, яъни жамоа марказлари, турар жой муҳити, кўча-йўл тармоғи, тарихий-маданий мерос объектлари, аҳоли яшаш шароити ва экология муҳитини ривожлантириш масалалари ечимига доир "Шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктлари бош режаларини татбиқ этиш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" яна бир Қарор қабул қилинган.

Бу икки қарордан кўзланган мақсадларга эътибор берсак, ҳаммаси равшанлашади.

— Шаҳарлардаги архитектуравий манзарани бузаётган хусусий уй-жойлар ҳам борми?

— Ҳа. Айниқса, собиқ иттифоқ даврида вилоятларга, шаҳарларга ва туманларга бўйсунувчи йўллар ёқасида қурилган хусусий уй-жойлар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Ўзингизга маълум, у пайтларда аҳоли пунктлари режасиз қуриб ташланаверарди. Оқибатда, халқ орасида "жин кўчалар" деб ном олган эгри-бугри йўллар пайдо бўлганди. Улар қанчалик хунук кўринишини, транспорт ва коммуникация учун ниҳоятда ўнғайсиз эканлигини таъкидлашга ҳожат йўқ. Бугунги кунда барча шаҳар ва туманлардаги йўллар юзасида жойлашган уй-жойларни ҳамда бошқа объектларни қайта қуриш (реконструкция) лойиҳалари ишлаб чиқилиб, уларни тартибга келтириш чоралари кўрилмоқда.

— Хусусий уй-жойлар лойиҳасида меъморчиликнинг миллий ва замонавий услублари уйғунлашганми?

— Кейинги йилларда европача услубдаги уйларни маъқул кўраётганлар сафи кенгайиб бормоқда. Бундай уйларни, айниқса, пойтахтимизда кўплаб учратиш мумкин. Янгиликка интилиш яхши, албатта. Қолаверса, уйини қандай қуриш ҳамманинг ўз хоҳиш-иродасига боғлиқ. Лекин шуни унутмаслик керакки, ҳар бир нарса ташқи гўзаллиги учун эмас, балки ўша жойнинг шароитларига жавоб бергани учун оммалашади. Демак, узоқ ўлкаларнинг услубларини кўчиришдан олдин минтақамизнинг ер, иқлим каби ўзига хос жиҳатларига мослигини ҳисобга олиш керак. Унинг устига, замон талаби даражасидаги янгиликлар, чет элларда қўлланилаётган илғор тажрибаларни татбиқ этиш борасидаги таклифларни бажонидил қабул қилиб, ўрганиб чиқамиз.

— Фуқаролар хусусий уй-жой қуришда нималарга эътибор беришлари керак?

— Ҳали суҳбатимизда бир қанча меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида гаплашдик. Шунингдек, аҳоли пунктлари бош режаларини ишлаб чиқиш ҳақидаги бир қатор дастурлар ҳаётга татбиқ этилган. Хусусий уй-жой қурувчилар, аввало, ана шуларда кўрсатилган тартибларга амал қилишлари зарур. Бунинг учун улар ўзлари яшаётган ҳудуддаги ҳокимликка мурожаат этиши, ҳокимлик эса шаҳарсозлик меъёрлари асосида ҳужжатлар тайёрлаши лозим. Шундан сўнг, ўзларига маъқул бўлган лойиҳани танлаб, шартномалар тузишлари мумкин. Энг асосийси, қурилиш сифати, ҳажми шаҳарсозлик меъёр ва қоидаларига мувофиқ бўлиши шарт.

Хусусий уй-жой қурувчилар туман бош архитектори билан маслаҳатлашишса ҳам фойдадан холи бўлмайди. Улар соҳадаги тартиб-қоидалар, янгилик ва ўзгаришлар билан таништиради. Зарур тавсиялар беради. Шунингдек, 1998 йил 10 октябрда рўйхатга олинган "Тартиб"да уйни лойиҳалаштиришдан тортиб, қуриб фойдаланишгача бўлган жараён бошидан охиригача аниқ кўрсатилган. Фуқаролар уни ҳокимликлар қошидаги шахсий уй-жойлар қурилиши бўлимидан топишлари мумкин.

— Мазкур қоидаларга риоя қилинмаган тақдирда қандай чоралар кўрилади?

— Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 34-91-моддаларига асосан маҳаллий давлат ҳокимлик органлари ҳузурида ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш учун доимий ишлайдиган комиссиялар тузилган. Ушбу комиссиянинг ёки суднинг ҳал қилув қарори билан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерлар қайтарилади ва қурилган иморатлар бузиб ташланади. Республикамиз Маъмурий кодексининг 159-160 моддаларида уй-жой қуриш ва ундан фойдаланиш меъёрларини бузганлик учун катта миқдорда жарималар белгиланган.

Лекин биз бу гапларни қўрқитиш учун эмас, огоҳ қилиш мақсадида айтяпмиз. Қонун ҳамиша устувор эканлигини ёдимиздан чиқармайлик. Унга амал қилсак ҳаммаси жойида бўлади. Ноқонуний иш учун эса, албатта, жазо бор.

— Балки бу тартиблар аҳолига етиб бормаётгандир?

— Қўмитамиз таркибидаги "Архитектура ва қурилишда ахборот татбиқот маркази" ва "Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши" журнали орқали соҳадаги янгиликлар, лойиҳалар ва олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида аҳолига маълумотлар бериб борилмоқда. Шу билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари томонидан бу тартиб-қоидалар жойлардаги оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиляпти. Фуқаролар йиғинлари ҳамда маҳалла фаолларини жалб қилган ҳолда тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

Уларда мавжуд меъёр ва талабларнинг мақсади, моҳиятини очиб беришга эътибор қаратилмоқда. Чунки ҳар бир меъёрий ҳужжатнинг қабул қилинишида асосий мезон халқ манфаатидир. Шундай экан, соҳадаги ўзгаришлар юртимизнинг янада чирой очишига, шаҳарларнинг ободлигию маҳаллаларимизнинг фаровонлигига хизмат қилишини ҳар биримиз юракдан ҳис қилишимиз лозим. Шундагина узоқни кўзлаб қабул қилинган ҳужжатлар рўёбга чиқиб, халқимиз манфаатига хизмат қилади.

"Халқ сўзи" мухбири Анвар САМАДОВ суҳбатлашди.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ ВАЗИФАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури учинчи босқич вазифаларини амалга ошириш-да таълим нашрларининг ўрни" мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов бошқарган семинарда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида қадриятларимизни тиклаш, таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, ўқитиш жараёнини давр талаби билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги қонун, ушбу ҳужжатларнинг мантиқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури таълим соҳасида туб ижобий бурилишлар ясади.

Мазкур ҳужжатларда узлуксиз таълим тизими тараққиётининг стратегик йўналиши, унинг таркиби ва моҳияти илмий асосланган, аниқ белгилаб берилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, бу борадаги барча ўзгаришлар, аввало инсон, шахс камолотига, жамиятда унинг мавқеини юксалтиришга йўналтирилган.

Семинарда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг учинчи босқичида белгиланган вазифалар натижаси ўлароқ, таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, умумтаълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш баробарида, бу жараённи оммавий ахборот воситаларида атрофлича ва кенг кўламда ёритиб боришда таълим нашрлари мавзуга юксак масъулият ва маҳорат билан ёндашишлари зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари "Мактабгача ва умумий ўрта таълим", "Мактабдан ташқари таълим ва маънавият", "Олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ҳамда малака ошириш", "Болалар спорти ва касаба уюшмалари" каби мавзулар асосида таълим муассасаларининг келгусидаги вазифаларини муҳокама этдилар.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар



Газетамизнинг шу йилги 21 февраль сонида "Суд сўзининг салмоғи қани?" сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти суди кассация судлов ҳайъатининг жавобгар Олим Маматқуловдан даъвогар Шодлик Мадраҳимов фойдасига 7 миллион 61 минг сўм ундириш тўғрисидаги ажрими тўққиз ойдан буён бажарилмаётгани эслатилганди. Яқинда шу муносабат билан ушбу вилоят прокурори П.НАЗАРОВдан расмий жавоб олдик. Жавобда жумладан шундай дейилади:

Қўшимча текшириш ўтказилмоқда

"Ажрим асосидаги ижро варақаси бўйича суд ижрочиларининг Бахмал тумани бўлинмаси томонидан 2005 йил 21 майда ижро иши қўзғатилиб, О.Маматқуловга суд қарорини ихтиёрий равишда бажариши учун беш кунлик муҳлат берилган. Аммо у қарзни белгиланган муддатда тўламаган. Суд ижрочиси Ё.Жўрабоев эса қарздорнинг ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулклари ва даромадлари тўғрисида тегишли маълумотларни олмасдан, ижро муддатининг асоссиз равишда бузилишига йўл қўйган. Шодлик Мадраҳимов бу ҳақда ариза ёзгач, Судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг вилоят ҳудудий бўлими катта инспектори В.Омонов ижро ишини туман бўлинмасидан чақириб олган ва ўрганиб чиқиб, икки ҳафтадан сўнг шикоятчига жавоб йўллаган. Бироқ суд ижрочиси нима учун ижро муддатини бузганига ва бажариши шарт ҳисобланган вазифаларни адо этмаганига қизиқмаган. Устига устак, ҳаракатдаги ижро ишини бўлинмага вақтида қайтармай, ҳеч бир асоссиз бир ой ўзида ушлаб турган.

Ана шу каби сансалорликларга йўл қўйишгани учун В.Омонов ва Ё.Жўрабоевларга нисбатан вилоят прокуратураси томонидан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилган. Ижро иши назоратга олиш ва ижросини тўлиқ таъминлаш учун Департаментнинг вилоят ҳудудий бўлимига жўнатилган. Шундан сўнг суд ижрочиларининг Бахмал тумани бўлинмаси вилоят Кўчмас мулк ва сармоялар агентлигидан қарздорга тегишли бир дона 10 тонналик сиғим 362 минг сўмга нархлангани ҳақида хулоса олиб, уни сотиш учун Кўчмас мулк биржасининг вилоят бўлимига юборган. Лекин харидор топилмагани туфайли сиғим бўлинмага қайтарилган. Суд ижрочиси 2005 йил 26 декабрда қарздорнинг уйини холислар иштирокида кўздан кечириб, ундирувга қаратиш мумкин бўлган мол-мулклари йўқлигини аниқлаган. Бу хусусда далолатнома тўлдириб, Шодлик Мадраҳимовга сиғимни натура ҳолида олишни таклиф этган. Таклифга жавоб бўлмагач, катта суд ижрочиси Э.Аҳмедов ундирувчидан бирон-бир ҳужжат олмай туриб, у мол-мулкни қабул қилишдан воз кечди, деган важ асосида ижро иши юритишни тамомлаш ҳақида асоссиз ва ноқонуний қарор имзолаб, ижро ишини Ш.Мадраҳимовга қайтарган. Вилоят прокуратураси унинг қарорини бекор қилиш борасида фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига протест киритган. Протест қаноатлантирилиб, ижро ишини юритиш тикланган.

Бундан ташқари, Шодлик Мадраҳимовнинг ишончли вакили А.Раҳмонов вилоят прокуратурасига ёзган аризасида қарздор О.Маматқулов ҳаракатларида фирибгарлик жиноят аломатлари борлигини кўрсатган. Аммо мазкур ҳолат бўйича текшириш ўтказган Бахмал тумани прокуратураси жиноят иши қўзғатишни рад этган.

Мақоладан сўнг айни масалада тўпланган ҳужжатлар вилоят прокуратурасида ўрганиб чиқилиб, суриштирув ҳаракатлари тўлиқ олиб борилмагани сабабли жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги қарор бекор қилиниб, қўшимча текшириш ўтказиш учун Бахмал тумани прокуратурасига юборилди".

Аждодлар меросини эъзозлаб

Марғилонлик Турғунбой ака Мирзааҳмедов кўп йиллардан буён ота-боболари ҳунари— шойи матолар тўқишни давом эттириб келмоқда. У шу ҳунари туфайли эл орасида обрў-эътибор топди. Ўтган йили эса "Ташаббус—2005" кўрик-танловининг ҳунармандчилик йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Таъкидлаш жоизки, Турғунбой ака тинимсиз изланади. У сўнгги йилларда абрли газламаларнинг ўнлаб янги дизайндаги турларини яратди. Шу газламалари билан кўплаб халқаро танловларда иштирок этиб, совринлар олди.

— Мен ҳунармандлар оиласининг саккизинчи авлодиман, — дейди Турғунбой Мирзааҳмедов. — Фарзандларим ҳам менинг касбимни давом эттиришмоқда. Узоқ йиллик меҳнатим туфайли шундай хулосага келдим: аждодлар ҳунарини давом эттирган одам кам бўлмайди.

СУРАТДА: Турғунбой Мирзааҳмедов қизи Умидахон билан дастгоҳ ёнида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

БОЛАЖОНЛАР КЎНГЛИ ЧОҒ

Ёзги таътил давомида Тошкент вилоятидаги 14 оромгоҳда 14 минг нафардан зиёд ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотларидан маълум қилишларича, саксонта мактаб ҳамда касб-ҳунар коллежлари ҳузурида ҳам кундузги оромгоҳлар ташкил этилган. Ўн минг нафардан ортиқ ўғил-қиз ана шундай масканларда дам олади.

Мавсумда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда боқувчисини йўқотган оила фарзандларидан 300 нафарининг бепул дам олиши кўзда тутилган. Шунингдек, оромгоҳларда Оролбўйи минтақасидан келган минг нафар ўғил-қиз ҳам ҳордиқ чиқармоқда.

Дам олиш масканларида спорт-соғломлаштириш ишларига, айниқса, катта эътибор қаратилмоқда. Болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароит яратилган.

Л.СУВОНОВ, ЎзА мухбири.

Олис қишлоқ одамлари

Тол новдалари орасида тунни ўтказган чумчуқ «чирқ» этди. Киприк қоққулик вақт ўтмасдан унга шериклари жўр бўлишди: чирқ, чирқ, чирқ...

Кимдир ҳовлига тутилган пашшахонадан сирғалиб чиқди. Этик қўнжилари устига ёйиб қўйилган бўз пайтавани оёқларига ҳафсала билан ўради. Ҳовлида кирза этикнинг оҳиста «тап-тап»и эшитилди. Тупроқ йўл. Пайкал. Қаторида игнадек ўт кўринмайдиган ғўзалар. Ярим ариқ сув симобдек ялтираб оқади. Енгларини шимариб, қулоқ бошидаги иккита чимни олиб ташлади. Ариқдаги сув чилқиллаб кетди. Ўқариқдан юриб даланинг этагига етди. Туни билан намдан баҳра олган ниҳоллар бир-бирларига баргларини текказиб келгувчини олқишлаб қўйгандек бўлди. Сув етиб борган жўякларга синчиклаб разм солди. Томоқ қирди. Тузук, бирон жўякнинг суви бошқа ёққа уриб кетмаган. Ариқдаги сувга юз чайди. Белбоғини ечиб артинди. Белбоғ қатидаги гулдор носқовоқ «тўп» этиб пастга тушди. Чўққайиб носқовоқни олди. Тилининг остига бир отим нос ташлади. Кўзларини юмди.

ТУПРОҚ

Бу ҳолат, нари борса, бир пиёла чой ичгулик дамга чўзилди. Ўрнидан туриб, ўқариқнинг юқори қисмига сув оча бошлади. Юмуш бирон соат давом этди. Яна белбоғини ечиб, пешонасидаги терларини артди. Кесак бостириб қўйилган юпқа плёнкаларни олиб пайкалга сув тарай бошлади. Иссиқдан чатнаб кетган кесагу тупроқ сув тегиши билан чанг чиқарди. Чанг кўринар-кўринмас эди. Сув теккан тупроқдан димоққа хуш ис урилди.

Бирор гектар далага сув тараб бўлгунча хийла вақт ўтди. Қуёш Қурама тизмаларининг учлари ўтмас тепаликларига ростмана мингашиб олди. Сукунатни қўшни пайкалдан келаётган тракторнинг овози буза бошлади. Шийпон томондан занг овози эшитилди. Бу чошгоҳлик чойга таклиф бўлди. Очиққанини сезди. Жўякларда «яли-яли» айтиб оқаётган сувга қараб қўйида, мўлжални шийпонга қараб олди. Қирқ етти йилдан буён унинг ҳаёти шу. Чошгоҳлик чой деганлари нима? Бир қисм парварда, бир жуфт нон. Нари борса, ярим соат давом этади. Кейин яна тракторчию сувчи, чопиқчию ҳашарчи даланинг тўрт томонига қопдан тўкилган мошдек тарқаб кетади.

Шу топда, Яккабоғнинг Жийда қишлоғида яшовчи Абдужаббор амаки ҳақида ул-бул демоқчиман. Тасодифан Сурхоннинг Омонхонасида бирга дам олиб қолдик. Уч кун ўтар-ўтмас амаки ғалати бир одат чиқарди. Ярим кеча ўрнидан туриб олади. Туриб олади-да, хаёлан ўғиллари билан баҳслашади.

— Келмай десам қўймадиларинг. Боринг-боринг эмиш! Энди нима бўлади? Боя туш кўрсам, Қамишли сой ёнидаги картанинг ғўзасини кўрибман. Ғўзаларни бирам ўт босибдики, «дод», деб уйғондим. Шундай экан, нега мени буёққа жўнатдиларинг, Сизларда ўзи калла деган нарса борми?..

Чироқ ўчирилган. Қўшни хоналардан узун-қисқа хуррак товуши эшитилади. Тўлин ой санаторий ҳовлисини, бизнинг хонани нурга кўмиб ташлаган. Амаки гапириб тиззаларига қаттиқ-қаттиқ уриб қўяди.

— Ҳа, отамиз билмайди, деб ўйламанглар. Мен биламан. Ҳали иккинчи сувни ҳам олмадиларинг... Қулоқсиз Абдураҳим! Келаётиб «Экин роса тобга келган, сувни бошланглар», деб айтмабмидим? Мана, аҳвол нима бўлди? Сизлардан кутганим шулмиди? Эртага жўнамасам бўлмас...

Абдужаббор амаки билан ўша кундан кейин ҳам бирор ҳафта бирга бўлдик. Ўша бир ҳафта давомида унинг узоқ Яккабоғдаги ўғилларини қандай койиганини, уларга не-не таънаю дашномларини йўллаганини «мазза» қилиб эшитдик.

Ховослик Абдураззоқ Ҳотамов кўкламу ёзда тўйга боришни унчалик хуш кўрмайди. Тўйга боргудек бўлса, ўша тўйнинг баковулию ошпазидан хафа бўлиб қайтади. Қурга одам тўлмасдан ошпаз дам еяётган паловга ўлақолса капгир урмайди. Қўлини қовуштириб доғ-дуғ бўлган пешбандининг устига қўйганча ўтираверади. Қўр тўлиб, тўйга келувчилар чойга обдон тўйгачгина тўй баковули қанор билан тўсилган қозон томонга овоз беради: «Ҳу, Турдибек, қани ошни бошланг...»

Абдураззоқ ака даврада ўтирганда ҳам, нўхоту кишмиш солинган ошни еяётганда ҳам даладаги ғўзаларни бир зум унутмайди. Уларни қандай унутсин ҳам! Бир-икки соат далада бўлмаса, ғўзалари жовдираб қолишади. Уни соғиниб қолишади. Кошкийди, даласидаги нам, жилла бўлмаса, ҳафта-ўн кун сақланиб турса. Бекобод шамоли кечагина сув ичган пайкалдан намни учириб кетади. Қарабсизки, пайкалнинг охиридаги ғўзалар сув ичаётган бир паллада бошидаги экинлар аллақачон чанқаб улгурган бўлади.

Айнан шу тумандаги «Сайҳун» фермер хўжалигининг раҳбари Сулаймонқул Йўлдошевнинг ҳам ажабтовур феъл-атвори бор. У бозорга боришни ўлгудек ёмон кўради. Бозор сўзи унинг қитиғига тегади. «Мана, пул, ана машина. Менга деса, кечгача бозорда юрмайсизларми!..» Унинг гапи шу. 240 гектарлик даланинг ўртасида қулинг ўлгурсин шийпон жойлашган. Темир устунларга ўрнатилган бу баланд шийпондан яқин атроф кафтдаги чизиқдек равшан кўринади. Чопиқчию тракторчининг ишидан қониқмаса, Сулаймонқул ака пайкал оралайди. Кимнингдир назаридан четда қолган ўтни юлади. Гапирмайди. Гапирмаслиги хўжалик ишчиларига оғир ботади. Демак, Сулаймонқул

1 2

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Дўстлик йўлини тутган халқлар

Дўстлик одамлар ҳаётида қанчалик муҳим бўлса, мамлакатлар тақдирида ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Шу жиҳатдан, жонажон Ўзбекистонимизнинг истиқлолга эришган дастлабки кунларданоқ жаҳондаги юздан ортиқ давлат билан дўстлик ва тенг ҳамкорлик йўлини тутгани таҳсинга лойиқдир.

Миллатим ўзбек бўлса-да, тақдир тақозоси билан Хитойда кўп йиллар яшаганман. Мустақиллик шарофати билангина она-юртим — Ўзбекистон тупроғини кўзга суртиш бахтига муяссар бўлдим. Шу боис бу икки мамлакат ва уларнинг халқи ўртасидаги дўстлик хусусидаги қалб туйғуларимни изҳор этмоққа журъат қилдим.

Сир эмас, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстона муносабатлар илдизи бир неча минг йилларга бориб тақалади. Бу икки мамлакатни бир пайтлар «Буюк Ипак йўли»дан қатнаган савдо карвонлари боғлаган бўлса, бугун улар ўртасида ўзаро манфаатли, тенг ҳамкорлик риштаси мавжуд.

Яна бир муштарак жиҳат: ҳар иккала мамлакат халқи чин маънода меҳнаткаш. Хитойнинг қарийб бир ярим миллиардлик аҳолиси ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларини тўла таъминлаш баробарида бутун дунёга озиқ-овқат, кийим-кечак, маиший техника ашёларини шиддат билан экспорт қиляпти.

Ўзбек халқи эса мустақиллиқнинг ўтган ўн беш йили давомида она Ўзбекистонимизни хомашё мамлакатидан илғор технологиялар мамлакатига айлантириш борасида улкан ишларни амалга оширди. Дунё бозорига автомобиль экспорт қилинаётгани, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган самолётлар барчада катта қизиқиш уйғотаётгани, кўплаб қўшма корхоналарнинг рақобатбардош маҳсулотлари экспорт қилинаётгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Иккинчи муштарак жиҳат илм-фан, маданият ва таълим соҳасида ҳар иккала мамлакатда олиб борилаётган ишларда яққол намоён бўлади. Биргина мисол: Ўзбекистонда хитой тили ва маданиятига қизиқиш қанчалик кучли бўлса, Хитойда ўзбек тилига ҳамда миллий маданиятимизга шу қадар юксак эҳтиром билан қаралади. Яқинда Пекин миллатлар университетида ўзбек тили ва адабиёти ихтисослиги очилгани бунинг исботидир. Навоий, Бобур, Фурқат, Ойбек каби шоирларимиз ва адибларимиз асарларининг хитой тилига таржима қилиниб, нашр этилгани, уларнинг хитойликларда катта қизиқиш уйғотаётгани ҳам таҳсинга лойиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўтган йилнинг 25-27 май кунларида Хитой Халқ Республикасига қилган ташрифи ҳар икки халқ тарихининг янги саҳифаларига айланди. Ташриф чоғида Юртбошимиз ва ХХР раиси Ху Цзиньтао ва бошқа Хитой раҳбарлари билан самимий, дўстона музокаралар олиб борилди ва жами 24 ҳужжатга имзо чекилди. Энг муҳими, Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартномани имзоладилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар минтақавий интеграция доирасида ҳам тез мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидаги ривожи ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. ХХР раҳбарияти Ўзбекистоннинг бу минтақавий тузилманинг шаклланиши, нуфузининг ортиши ва тараққиётидаги муҳим ролини кўп бор эътироф этган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, энди ҳар икки қўшни ва ҳамкор халқлар ўртасидаги дўстона алоқалар янги босқичга кўтарилиши ва ўз ҳаётбахш самарасини беришига ҳеч шубҳа йўқ.

Табиийки, булар бизнинг қалбимизда ифтихор туйғуларини уйғотади. Она Ватанимизнинг нуфузи бунданда ошмоқлиги ҳар биримизнинг масъулият туйғусини нечоғли ҳис этишимизга, юрт равнақи учун астойдил иш юритишимизга боғлиқ.

Абдуғани СУЛАЙМОН.

Вакцина синовдан ўтказилаяпти

Австрияда парранда гриппига қарши тайёрланган вакцина кўнгиллиларда синаб кўрилмоқда. Мамлакатда чоп этиладиган «Ньюз» журналида



айтилишича, етакчи фармакологик фирмалардан бири Вена университети билан ҳамкорликда бир ойдан буён махфий равишда тажриба ўтказиб келаяпти. Синовда қатнашган ҳар бир кўнгиллига 300 евро миқдорида маблағ берилади.

Фармацевтика компанияси ушбу тажриба билан боғлиқ маълумотларга изоҳ беришга шошилмаяпти. Компания расмий вакили ўтказилаётган тадқиқотлар ҳақида ҳеч бир изоҳ берилмаслигини билдирди, бироқ парранда гриппига қарши қўлланиладиган вакцина устида иш олиб борилаётганлигини яширмади.

Яна ракета машмашаси



Шимолий Корея куни кеча ўз ҳудудидан тахминан еттита ракета учирган. Япония ва Жанубий Корея хавфсизлик хизмати вакилларининг таъкидлашича, уларнинг бири бевосита Россиянинг Находка шаҳри яқинига келиб тушган. Расмий Москва ракета учирилганини тан олиб, бундан ташвишда эканлигини билдирса-да, унинг ўз ҳудудига келиб тушганини рад этди.

Яқин кунларда КХДР 3-4 та узоқ радиусли ракетасини ҳам синаб кўриши мумкин, дея хабар беради «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги Жанубий Корея матбуотидан олинган маълумотга таяниб. Манбада келтирилишича, 6700 километр масофага етиб бора оладиган «Таэподонг-2» ракетаси парвозга шай ҳолатда турибди.

Расмий Пхеньяннинг мамлакат қудратини кўрсатиш юзасидан олиб бораётган бундай ҳаракати халқаро ҳамжамиятда кескин хавотир уйғотди. Хусусан, АҚШ, Япония ва Буюк Британия кеча кечқурун Ким Чен Ирнинг бундай сиёсатига қарши иқтисодий санкция қўллаш борасидаги резолюция лойиҳасини БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этди. Россия томони Шимолий Кореяга нисбатан иқтисодий босим ўтказилишига қарши эканлигини билдирди.

Қочоқлар лагерига ҳужум

Чоршанбадан пайшанбага ўтар кеча Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ғазо секторининг шимолида жойлашган Жабалия қочоқлар лагерига ракета зарбаларини берган. ЦАХАЛ қўмондонлиги расмий вакилининг билдиришича, мазкур ҳарбий амалиёт портловчи ускуналар тайёрловчи марказларни йўқ қилишга қаратилган. Бироқ, у амалиётлар тафсилотларига ойдинлик киритмади. Дастлабки маълумотларга қараганда, ракета ҳужуми оқибатида бир киши қурбон бўлган, етти киши турли даражада жароҳатланган.

Эслатиб ўтамиз, Исроил армияси капрали Гилад Шалит ўтган ой охирида фаластинлик радикал гуруҳлар томонидан гаровга олингандан сўнг расмий Қуддус буйруғи билан Ғазо секторида ҳарбий операциялар бошланганди. Жангарилар Исроил қамоқхоналаридаги фаластинлик маҳбусларнинг озодликка чиқарилиш тартиби маълум бўлгандан сўнг капрал қўйиб юборилишини билдиришган. Аммо Исроил ҳукумати террорчилар билан музокаралар ўтказмаслиги ҳамда ҳеч қандай талабни қабул қилмаслигини расман билдирди.

Янги база қурилмоқда

REGNUM ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Жанубий Осетия пойтахти Цхинвалидан 30 километр узоқликдаги Гори шаҳрига Грузия ҳарбий база қуришга киришди. Янги база қурилишининг бошланиши муносабати билан уюштирилган маросимда мамлакат мудофаа вазири Ираклий Окруашвили ва президентнинг миントақадаги вакили Михаил Карели иштирок этди. Манбада таъкидланишича, ушбу ҳарбий объект грузин-осетин зиддиятлар марказида қад ростламоқда.

Ираклий Окруашвилининг айтишича НАТО талабларига жавоб берадиган мазкур базага тўрт минг ҳарбий жойлаштирилади. Келаси йил 26 май — Грузия давлати мустақиллиги кунида ҳарбий база расмий равишда очилади.

«Кока-кола» рецепти ошкор этилдими?

Уч нафар америкалик Coca-Cola компаниясининг махфий маълумотларини ўғирлаганликда айбланмоқда. Маълумки, бутун дунёда севиб истеъмол қилинаётган мазкур компания салқин ичимликлари рецепти 120 йилдан буён сир сақлаб келинмоқда. Coca-Colaнинг асосий рақиби бўлган Pepsi компанияси ичимлик рецепти ва бошқа махфий маълумотларни қўлга киритиш мақсадида айбланувчиларга бир неча юз минг доллар ваъда қилган. Мазкур иш юзасидан айни пайтда Федерал қидирув бюроси махфий текширув ишларини олиб бормоқда.

Coca-Cola ҳам ушбу воқеа юзасидан тафтиш ўтказмоқда. Ўз навбатида Pepsi вакили бозорда рақобат кучли бўлса-да, бу борада ҳаққоний кураш олиб борилишини билдирди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Республикамизнинг йирик банкларидан бири — «Асака» банки мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган филиаллар тармоғи орқали сифатли ва замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Филиаллар тармоғини кенгайтириш ва банк имкониятларидан оқилона фойдаланиш йўлида олиб борилаётган пухта ҳудудий сиёсат амалдаги филиаллар фаолияти ва банк бозорида фаоллашувини таъминламоқда. Ушбу йўналишда банк томонидан филиал, мини банк, чакана банк хизматлари марказлари, жамғарма ва махсус кассалар тармоғини кенгайтириш бўйича жадал иш олиб борилмоқда.

«Асака» банки:

ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Хусусан, етарли мижозлар базаси ва ресурсни шакллантирган мини банк ва чакана банк хизматлари марказлари негизида филиаллар ташкил этилмоқда ва улар самарали фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Ғиждувон» мини банки негизида Бухоро шаҳар филиали ҳам иш бошлади.

Бугунги кунда «Асака» банки мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жойлашган 27 филиал, 75 мини банк ва чакана банк хизматлари марказлари, 57 жамғарма ва махсус касса орқали аҳолига замонавий, қулай ва сифатли банк хизматларини таклиф қилмоқда.

Жумладан, жамғарма ва махсус кассалар тармоғини кенгайтириш орқали уларда амалга оширилаётган амалиётлар ҳажми ҳам ортмоқда. 2006 йил 1 июнь ҳолатига кўра, банкнинг жамғарма ва махсус кассалари орқали 5,1 млрд. сўмлик коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловлар қабул қилинган бўлса, шундан 0,6 млрд. сўми аҳолининг омонат ҳисоб рақамларидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 511-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган махсус кассалар орқали аҳоли коммунал ва бошқа турдаги тўловларни тўлаши мумкин. Ушбу тўловлар нақд пулда ёки пластик карточкалар орқали ўзаро ҳисоб-китобларнинг пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Ана шу махсус кассалар орқали жорий йилнинг 5 ойи давомида аҳолидан фойдаланилган табиий газ, электр энергияси ва бошқа коммунал хизматлар учун 1,7 млрд. сўм, шундан 1,6 млрд. сўми нақд пулда ва 0,1 млрд. сўми пластик карточкалар орқали тўловлар қабул қилинди.

Тижорат банклари томонидан аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, уларнинг бўш пул маблағларини янги ва жозибадор омонатларга жалб қилиш, омонатларга юқори фоизли даромадлар тўлаш, омонатчиларнинг талабларини ўз вақтида қондириш тижорат банкларининг аҳоли билан муносабатларидаги устувор жиҳатлари ҳисобланади.

Ушбу йўналишда, 2006 йил 1 июнь ҳолатига кўра, аҳоли маблағларининг банк омонатларидаги қолдиғи 46,8 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич йил бошидагига нисбатан 11,1 млрд. сўм кўпдир. Шундан миллий валютадаги аҳоли омонатлари 43,8 млрд. сўмни ташкил қилиб, 10,9 млрд. сўмга кўпайди.

«Асака» банки бўйича омонатчилар сони эса, 2006 йил 1 июнь ҳолатига кўра, 186 мингтадан ортиқни ташкил этди, яъни бу кўрсаткич йил бошидагига нисбатан 3,5 мингтага ортди.

Бугунги кунда «Асака» банки аҳолига бир қанча миллий ва хорижий валютада қуйидаги муддатли омонатларни таклиф этмоқда:

Миллий валютадаги муддатли омонатлар	Сақлаш муддати	Йиллик тўлов фоизи
«Наврўз»	2 ой	20%
«Табассум»	45 кун	20%
«Орзу»	3 ой	20%
Болалар учун «Умид»	3 ой	20%
«Тақдим этувчилар учун»	3 ой	20%
«Юбилейний»	6 ой	20%
6 ойдан 1 йилгача		19%
1 йилдан 3 йилгача		19%
3 йилдан 5 йилгача		19%
Пластик карточка		16%

Хорижий валютадаги муддатли омонатлар	Сақлаш муддати	Йиллик тўлов фоизи
6 ойдан 1 йилгача 5,5%		
1. 2000-5000 АҚШ доллари	6 ойдан	6,5%
2. 5000 ва юқори АҚШ доллари	1 йилгача	7%

Ҳозирги кунга келиб, пластик карточкаларнинг кундалик турмушга кенг кириб бориши тижорат банклари учун янги хизмат, янги омонат ва пул муомаласининг янги тури сифатида намоён бўлмоқда. Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш тизимининг ривожлантирилиши инфляция даражасини пасайтириш ва банкдан ташқари нақд пул айланишининг олдини олишга қаратилган. Қисқа қилиб айтганда, нақд пул маблағларининг тижорат банклари орқали айланмаслиги натижасида аҳолининг пенсия, нафақа, стипендия, иш ҳақи учун тўловлар нақд пул танқислиги ҳисобига кечиктирилиши ҳолатларига олиб келади. Бу ҳолатнинг олдини олишда пластик карточкалар нақд пул ўрнига аҳолининг турли эҳтиёжларини қондириши учун ҳисоб-китоб қилиш воситаси бўлиб хизмат кўрсатади. Пластик карточкаларнинг банк омонатларидан афзаллик жиҳати шундаки, омонатдан ҳисоб-китоб фақатгина тижорат банкига топшириқ бериш орқали амалга оширилса, пластик карточкадан эса ихтиёрий вақтда ўз хоҳишига кўра фойдаланилиши мумкин.

Энди пластик карточкаларни кундалик ҳаётда ишлатишнинг қулайликлари ҳақида тўхталсак, аввало, улар қулай ҳамён эканлигини эътироф этиш лозим. Яъни, пулларни нақд ҳолда олиб юргандан кўра, пластик карточкада бўлиши пулни йўқотиб қўйиш, ҳамёнда кўтариб юриш каби ноқулайликлардан холи қилади. Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилишда кетадиган вақтни тежайди. Шошилиб турган вақтда дўконда харидлар қилингандан сўнг қоғоз пулларни санашга кетадиган вақтни тежашга имкон бериб, пластик карточкадан бир зумда ҳисоб-китоб қилиш мумкин. Пластик карточкалардан олинадиган даромад ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек урф-одатига хос мақсадлар (тўй ўтказиш, уй-жой қуриш) учун замондошларимизнинг йиллар давомида пул жамғаришининг салбий томонлари сифатида пул қадрсизланиши натижасида жамғарилган пулнинг харид қийматининг йўқотиши ва олиниши мумкин бўлган даромаднинг қўлдан бой берилишини кўрсатиш мумкин. Пластик карточкалардан пул жамғариш воситасида фойдаланиш юқоридаги камчиликларни бартараф этган ҳолда, карточка эгасига йиллар давомида фоизлар кўринишида даромад келтиради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарори асосида «Асака» банки томонидан пластик карточкалар аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кенг жойлаштириб, жорий йилнинг ўзида 10 мингтага кўпайтирилди. 1 июнь ҳолатига кўра, улар 150 мингтадан ортиқни ташкил этди.

Пластик карточкаларнинг аҳоли учун яна бир қулайлиги шундан иборатки, пластик карточкалар орқали улар маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар учун савдо шохобчалари, АЕҚШ, супермаркетлар, уяли алоқа компанияларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишлари мумкин. Савдо терминаллари ўрнатилган савдо ташкилотлари эса пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга оширсалар, улар учун даромад солиғини тўлашда солиқ ставкасини 20% паст даражада тўлаш имтиёзи мавжуд.

Бундан буён ҳам «Асака» банки аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида чакана банк хизматларини кенгайтиришни давом эттиравераді ва бу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини тобора ошириб бораверади.

«Асака» банки матбуот хизмати.

Эссе

ТАФТИ

дехқон бўлган бир одам қолади. У ўзини шийпон аталувчи бинога урмайди. Елкаларини совуқ ёмғирларга тутиб беради. У сен билан бирга булутлар орасидан қуёш кўринишини, шамол тўхташини, жала тинишини интиқиб кутади. Бўйинг бир қаричдан ошганда у энтикади. Қўлига кетмон олиб пайкал оралайди. Ҳатто тракторни ҳам кутмай танангни қисаётган тупроқни юмшатади. Насибангга шерик бўлаётган ўтларни юлиб ташлайди. Баринг бир бўлиб далани яшил рангга кўмиб юборган пайтларингда унинг елкасидан тоғ ағдарилади. Чанқаган лабларингга сув томизади. Сен қиқирлаб шона тугасан. Унинг қувончи денгиз бўлиб кетади. Сен кулиб-кулиб гул кўрсатасан. Унинг қувончи осмон бўлиб кетади. Шохларингда дурдай бўлиб кўсаклар кўринади. У шодланиб, ўзини қўярга жой тополмайди. Сен ийманиб-ийманиб оппоқ тишларингни кўрсатасан. У эса бошидаги увадаси чиқиб кетган дўпписини олади-да, тиззасига бир уради. Сен қозондаги бодроқдек бўлиб бодраб кетасан. У ўзини арши-аълода сезади.

...Сени далада эмас, қадоқ кафтларда ўсади, дейишса ҳайрон бўлма. Аслида ҳам шундай. Яна мени қаёқдан ҳам биласан, деб ўйга ботма. Мен сени узоқ йиллардан буён юрагимга яқин олиб юраман. Менга сени оқ кўйлак кийган Ҳанима опам танитган. Оқ кўйлак деганлари оддий бир чит мато эди. Оқ нарса қуёшни қайтаради. У сени эркатойим деб атарди. Хинали қўллари билан кесаклардан сени холи қиларди. Атрофингда гиргиттон бўларди. Қуёш ётоғига кириб уйқуга кетганда ҳам бир ўзингни далада ташлаб кетишга кўнгли бўлмасди. Қишлоқда сўлим оқшом ҳукмронлик қилса-да, унинг кўнгли далада яшарди. Рангинг жиндай сарғайса бас! У лўққиллаб оғриётган буйрагини унутарди. Атрофингда парвона бўларди-қоларди. Инжиқкинам, сен уни танийсан. Бир замонлар унинг қошлари камон эди, бармоқлари тафтли эди. Бу аёлга атлас хўп ярашарди. У атлас киймади. У оёқларига қошиқдек туфли ярашишини билса-да, этикни афзал кўрди. Тошойна олдида ўтириб бирон маротаба ўзига маҳлиё бўлмади. У фақат болаларию сени кўрганда яшнаб кетарди. У бирон маротаба минбарларда ўтирмади. У журъат этиб мақтанмади. У сенга ишониб яшади. Фақат сени, деб нафас олди.

Далага элтувчи йўл. Тузуккина тупроқли йўл. Ҳали тол шохидаги чумчуқлар ҳам «чирқ» этгани йўқ. Ҳали оқшом қора кўйлагининг этакларини йиғиштириб улгургани йўқ. Тупроқ йўлдан кирза этик кийган бир аёл бораяпти. Эгнида оддий оқ чит кўйлак. Ўнг қўлининг енгида бир нарсани яшириб олиб келаяпти. Бу яширган нарсаси тонг, деб аталади. Инжиқкинам, бу аёл сенга тонгни ҳадя қилаяпти. Аёлнинг енгидаги тонгни ҳам, унинг ўзини ҳам унутмай яшасанг бўлгани. Ҳозир шабада туради. Ҳозир қуёш кўринади. Ҳозир сенинг бошингни ўша аёлнинг тафтли бармоқлари силай бошлайди...

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ака хафа. Тракторчи пастга тушиб «темир тулпор»ини қайта созлайди. Чопиқчи изига қайтиб, кесак орасида қолган бегона ўтларни назардан ўтказиб олади.

Буни қарангки, қўшнилар гектар ҳисобига 17-18 центнердан ҳосил кўтаришган бир паллада «Сайҳун» далаларида бу кўрсаткич 30 центнердан ошиб кетади. Сабаб нима? Бозорга бормасликми? Индамай юриб камчиликни тузатишми? Йўқ, гап бошқа ёқда. Ўша нарса нима эканлигини фақат Йўлдошевнинг ўзи билади.

Сайҳунободлик кекса пахтакор Тошпўлат Қоратоевнинг мана бу гапларига бир эътибор беринг:

— Ғўза гулининг билинар-билинмас ҳиди бўлади. Ҳовлимда атиргулнинг ўндан ортиқ нави бор. Эрта кўкламдан то кеч кузгача очиладиганлари бор. Шу гулларнинг ҳидини яхши кўраман. Бироқ ғўза гулининг ҳидини атиргулникидан ҳам устун кўяман. Негалигини билмайман. Қаранг, бўлмаса унда айтгувчи ҳид йўқ. Тўрт-беш кун очилиб турадию ўрнини шеригига бўшатиб беради. Оқ, қизил, пушти гулларнинг бодраб кетиши кўзимни шундай қувнатадики, асти кўяверасиз...

...Сени бир ҳафта кутишади, инжиқкинам. Кўзларингни ишқалай-ишқалай ёруғ оламни кўрганингда меҳрга ўта чанқоқ бўласан. Қадоқ қўллар бошларингни силайди. Қуёшдан қорайиб кетган бармоқлар юзларингни силайди. Ёмғирлардан чўчиб яшайсан. Жалалардан ҳадиксираб нафас оласан. Бундай кезларда далада фақат сен билан исми деҳқон бўлган, номи

Марказий Осиёда ОИТСга қарши курашиш лойиҳаси

Малакали мутахассислар талаб этилади

Лойиҳа номи — Марказий Осиёда ОИТСга қарши курашиш лойиҳаси.
Грант рақами — Н 149 7С.

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари Жаҳон банкидан Марказий Осиёда ОИТСга қарши курашиш лойиҳасини амалга ошириш учун грант олдилар.

Мазкур лойиҳа Қозоғистон Республикаси, Олмаота шаҳри, Кунаев кўчаси, 86-уй манзилида жойлашган Лойиҳа бошқарувининг Минтақавий гуруҳи томонидан амалга оширилади.

Марказий Осиёда ОИТСга қарши курашиш лойиҳаси бошқарувининг Минтақавий гуруҳи харид қилиш бўйича мутахассис лавозимига танлов эълон қилади.

Лавозим мажбуриятлари ва квалификацион талаблар билан қуйидаги сайт орқали танишиш мумкин: **www.caap.info** («Вакансии»).

Қизиқиш билдирган шахслар резюменинг стандарт шаклини тўлдиришлари (резюменинг стандарт шаклини **www.caap.info** сайтидан олиш мумкин) ва d.gafarov@gmail.com электрон манзили ёки қуйидаги манзилга юборишлари мумкин: Қозоғистон Республикаси, Олмаота шаҳри, Кунаев кўчаси, 86-уй. Телефон: + (7 3272) 44-73-17. Факс: + (7 3272) 44-73-16.

Резюмени топшириш муддати — 2006 йил 21 июлгача.

Мазкур лавозимга номзодларни танлаш Жаҳон банкининг 2004 йил май ойидаги «Жаҳон банкининг заёмчилари томонидан консультантларни танлаш ва ишга қабул қилиш» қўлланмасига асосан ўтказилади.

Central Asia AIDS Control Project

Request for expression of interest

Name of project: Central Asia AIDS Control Project
Grant number: H 149 7C

Governments of the Republics of Kazakhstan, Kyrgyz Republic, Tajikistan and Uzbekistan have received financing from the World Bank toward the cost of the Central Asia AIDS Control Project.

Implementation of this Project is carried out by Regional Project Management Unit, which is located: 86 Kunaev str., Almaty, Republic of Kazakhstan.

Regional Project Management Unit is seeking out candidacy for the position of the Procurement Specialist.

Detailed Terms of Reference and requirements are available on the **www.caap.info** on the inset "Vacancy".

Interested candidates should fill standard CV format (which is also available on the **www.caap.info**) and e-mail to the d.gafarov@gmail.com or send tothe address below: 86 Kunaev str., Almaty, Republic of Kazakhstan, **tel.: + (7 3272) 44 73 17, fax: + (7 3272) 44 73 16.**

Dead line for CV submission is 21.07.2006.

Selection process for this position will be conducted in accordance with the World Bank's Guidelines: Selection and "Employment of Consultants by World Bank Borrowers", May 2004.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Спорт

Франция — Италия ? : ?

Келаётган якшанба куни қарийб бир ойдан буён давом этаётган 18-жаҳон чемпионати ниҳоясига етади. Финал куни яқинлашгани сари баҳслар шиддатли тус олмоқда. Эсингизда бўлса, чемпионат бошланиши арафасида турли оммавий ахборот воситаларида ким ғолиб бўлиши ҳақида мутахассису ишқибозлар башоратлари чоп этилган эди. Лекин бу башоратлар ўзини оқламади. Аргентина, Голландия, Бразилия, Германия ёки Чехия терма жамоаларига ишонч билдирган мухлислар буёғига финал учрашувини алам билан кузатишга мажбурлар.

Энди бевосита ярим финал учрашувлари ҳақида. Италия финалда, Германия эса учинчи ўрин учун баҳсларни давом эттиради. Ушбу ўйинда италияликлар чемпионатдаги энг яхши ўйинларидан бирини ўтказдилар десак, муболаға бўлмас. Улар шу куни 2:0 ҳисобида майдон эгаларини доғда қолдиришди. Ва олтинчи бор жаҳон чемпионатида финалга чиқдилар. Бундан олдинги беш учрашувнинг учтасида улар жаҳон кубоги соҳиби бўлишган. Олтинчи уриниш қандай бўлишини 9 июль куни билиб оламиз. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Скуадро адзурра» бу йўлга осонлик билан етиб келгани йўқ. Жаҳон чемпионатига тайёргарлик жараёнида Италия жамоаси бош мураббийси Марчелло Липпи футболдан ташқари яна бир қийин муаммога дуч келди. Мамлакат футболида «Ювентус» иши» деб юритилаётган суд жараёнига терма жамоа бош мураббийси ва дарвозабон Жанлуиджи Буффонлар ҳам чақирилди. Ана шундай ғалваларга қарамай, терма жамоа мундиалда чиройли ўйин намойиш этаяпти.

Франция терма жамоаси Португалияни 1:0 ҳисобида доғда қолдириб, иккинчи финалчига айланди. Ягона тўпни Зайниддин Зидан пенальтидан киритди. Шу пайтгача Зидан фаолияти танқидий баҳоланаётганди. Франциялик тажрибали футболчи бунақа фикрларни айтишга ҳали эрта эканлигини исботлади.

Демак, учинчи ўрин учун учрашув 8 июль куни Штутгартда Германия — Португалия жамоалари ўртасида ўтказилса, чемпионат ғолиби номи 9 июль куни Берлин шаҳрида Италия — Франция терма жамоалари учрашувидан сўнг маълум бўлади.

Миллий терма жамоани тарк этганлар

Жамоа муваффақиятсизликка учраса, доимо асосий айблар бош мураббийга қўйилади. Аргентина терма жамоаси бош мураббийси Хосе Пекерман жамоаси чорак финалда Германия футболчиларига ютқазиб қўйгач, истеъфога чиқишини маълум қилди. Шунингдек, матбуотда Англия терма жамоаси бош мураббийси Свен Ёран Эриксон, Бразилия футболчиларини бошқарган Карлос Альберто Паррейра, Япония терма жамоаси бош мураббийси Зико ҳам ўз вазифаларидан кетганлиги айтилмоқда.

Жаҳон чемпионатида ўз имконияти даражасида ўйин намойиш эта олмаган Бразилия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Роберто Карлос ҳам энди ўрнини ёшларга бўшатиб беришини таъкидлаб ўтган. Яponиялик тажрибали футболчи Хидетоши Наката ҳам терма жамоадаги фаолиятини якунлади. Мундиал ўйинлари тугагач, бу рўйхат яна давом этиши мумкин.

Рональдо яна жарроҳлик столида

Бразилия терма жамоаси шифокори Жозе Луиш Рунконинг маълум қилишича, ҳужумчи Рональдонинг тиззаси яқин кунларда операция қилинади. Футболчи тиззасининг жароҳати ҳақида чемпионат бошланиши олдидан ҳам шикоят қилиб юрганди. Шунга қарамай, у мундиал якунлангандан кейингина даволанишга розилик берганди.

Шифокорнинг айтишича, даволаниш унча узоқ вақт давом этмайди. Рональдо «Реал» (Мадрид) таркибида яқин кунларда майдонга тушиши мумкин.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

ХАЗОНРЕЗГИ

Одамларнинг бири иккинчисига на афт-ангори, на сумбати ва на фъел-атвори билан ўхшамаганидек, қисмати ҳам тамомила бўлак. Шуни ўйларканман, бувигинам Ойтўрахон ёдимга келади. Доно аёл эдиларда. Юрган йўлларида, айтган сўзларида кимгадир иш биланми, маслаҳатлари биланми, нафлари тегар эди.

У чоғлар Тошкентнинг Хадра мавзесидаги «Ҳовузбоғ» маҳалласининг тўртинчи тор кўчасида қавм-қариндошлар гавжум яшардик. Бу кўчадаги қай эшикни очиб ичкари кирсам, тоғам, янгам, опоқ дадам — хуллас, жигарларим «Келақол, болам», — деб хонадонига чорларди. Унгача биз Самарқандда истиқомат қилганмиз. Дадам — ёзувчи, журналист Саид Аҳрорий 1930 йилнинг 12 ноябрь куни ишга кетганча қайтиб келмай, бедарак йўқолганидан кейин Саидакбар эшон тоғам синглиси Вазирахонни тўрт боласи билан Тошкентга кўчириб келтирган ва бувимнинг ҳайҳотдек ҳовлисининг ташқарисидаги меҳмонхонага жойлаштирган.

Кўчиб келишимиз ҳамоно 7 яшар акам Аҳмалжонни болалар уйига топшириб юборишган, қолган уч гўдак бувим Ойтўрахон отин назоратида, чақалоқ укам Эркинхон ойим билан боғчада бўлган.

Ўттизинчи йилларда халқимиз не-не кунларни кўрмади. Ўттиз учинчи йилдаги очарчилик одамларнинг силласини қуритди. Етимларини боқиб, катта қиламан деб онаизоримиз Вазирахон эрта тонгда ишга кетиб, қош қорайганда қайтди. Нонуштадан сўнг укам Кенгашхонни етаклаб, кўчага югураман. Орадан бирозгина вақт ўтгач, бувим иккковимизни уйга олиб кириб кетади. Ҳар гапида битта мақол келтирадиган бувигинам:

— Бекор юргандан бекор ишла, деган алломалар, сизларга ким қўйибди кўча чангитишни, — деб қўлимга супурги тутқазади. — Ғуломпошша опам билан Акбар поччамнинг ёнғоғи пишиб, ер билан битта бўлиб тўкилиб ётибди. Ўзиям ёнғоқмисан, ёнғоқ — ғалвирак ёнғоқ экан. Териб дарвозахоналарига ёйиб қўйиш керак, бўлмаса ёғингарчиликда ивиб, моғорлаб қолади. Биратўла хазонни ҳам супуриб ўрталиққа тўплаб қўйсанг савоб бўлади. Бояқишларга жуда қийин бўлди. Ғуломпошша опанг қўлидаги гўдаги билан мусофирчиликда кўрадиганини кўраётгандир. Ҳеч кимнинг бошига солмасин бу шўр савдони... — дейди йиғламсираб бувигинам.

Мен ишга тушаман. Супуришни бошлашдан аввал қуриб-қақшаб кетган япроқларнинг биттасини қўлимга олиб, томоша қиламан.

— Бувижон, буни қаранг. Худди рассом чизиб қўйгандай-а... — дейман ҳайратланиб.

— Энг буюк расмчи чизган уни, — дейди бувим.

— У ким? — яна саволга тутаман бувимни.

— Оллоҳ-да. У ўн саккиз минг оламни яратган қудратли зот.

Қуруқшаган хазонни шарғар қилиб супура-супура чарчайман. Бувимнинг раҳмлари келади ноғи:

— Кел, қўяқол, ҳали кечгача яна тўкилади, яна супурарсан.

Мен эса қўлим тинсаям оғзим тинмайди.

— Буви, бувижоним, сиз ҳамма нарсани биласиз, айтинг-чи, Ғуломпошша опам қачон келади?

Айтмоқчи бўлган бошқа гапларим бўғзимда қолади. Саволларимдан безган бувим портлаб кетади:

— Қачон, қачон келади? Ман қайдан билай, фолбинманми ман? Худо хоҳлаганда келади...

— Ишқилиб, тезроқ келишсин-де, уйлари тўлсинде... — дея шивирлайман.

Бувим яна гап қўшади:

— Бегуноҳ ёш гўдаксан. Қўлингни фотиҳага очиб, ниятингни баралла Яратгандан тила, ажаб эмас, ол қулим, деса...

— Ўзи қаёққа кетишган улар? — деган саволим эса ҳар галгидек жавобсиз қолаверади.

Биз бола-бақра Ғуломпошша опамиз билан Акбар поччамизни яхши кўрардик. Поччамиз бўш пайтларида бизга ҳисоб дарсидан масала ечишни ўргатарди. Масалани тўғри ечганларни дафтар билан мукофотларди. Энди эса шу, поччамиз билан суюкли опамиз йўқ. Қаёққа кетишган — билмаймиз.

Орадан неча-неча йиллар ўтди. Маҳаллада юрган узунқулоқ гаплардан билдимки, Акбар почча юртдан бадарға қилинган экан...

Ҳужжатлардан маълум бўлишича, 1909 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Тошкентдаги Бауман номли техникумнинг ўқув қисми мудири лавозимида хизмат қилган, «Миллий ғолибият» деган аксил шўроват ташкилотга аъзо бўлганликда ҳамда талабалар орасида советларга қарши ташвиқот олиб боришда айбланган.

Аввало, 1924-25 йилларда «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилот ячейкасига аъзо бўлган. 1931-32 ўқув йиллари Ўрта Осиё иқтисод техникуми илмий қисми мудири бўлиб ишлаб турган чоғида партия ва совет ҳокимияти кўрсатмаларини нотўғри талқин этган техникум талабаларидан анчагина қисмини ўз атрофида тўплаб, уларни советларга қарши руҳда тарбиялаш ниятида миллатчилик кайфиятида ташвиқот олиб борган. Шунингдек, ўқувчилар ва миллий ёшлар ўртасида аксилинқилобий ташвиқот юргизган.

Кўрсатиб ўтилган айблар туфайли Акбар Асқаровни Ўзбекистон ССР жиноят мажмуасининг 56-, 67-моддалари билан жазолаш кўзда тутилиб, Ўрта Осиё ППОГПУсининг ДПЗсида сақлаш кўрсатилган.

Бу сатрларни ўқирканман, ғалати аҳволга тушдим. Негаки, ёзувга қараганда, Акбар Асқарий бизга қўшни бўлиб чиқаяпти. Ким экан-а бу? Эсладим. Бир девор қўшнимиз Ғуломпошша опа ва Акбар поччамиз экан. Ёш муаллим совет ҳокимиятига қарши ҳаракатда бўлган «Миллий фаолият» уюшмасига аъзоликда айбланган ва Давлат Хавфсизлик хизмати оператив ходими, лейтенант Гайнитдинов, яна бир оператив вакил Оғабековларнинг кўрсатмаси билан ҳибсга олинган экан.

Шу йўсин техникумда дарс бериб юрган Акбар Асқаров ҳибсга олинади ва сургун қилинган манзил — Олмаотага жўнатилади. Унинг вафодор рафиқаси Ғуломпошша Саидова қўлида эмизикли боласи, эри билан бирга сафарга чиқади. Ҳужжатдан бу сатрларни ўқиганимда, декабристларнинг рафиқалари ёдимга келди. Демак, шу воқеалар сабаб Акбар ака иссиқ ўрнини, уй-жойини ташлаб бадарға этилган экан-да. Бувим айтмоқчи, бу ҳодиса ўша чоғларда «кўпга келган тўй» ҳисобланган. Икки ёрти бир бутун бўлиб ўзга юртга сафар қилган бу оила ўзидан ўтганини ўзи билган. Акбар Асқаровнинг кўргуликларини у бадарға муддатини ўтаб, Тошкентга қайтгач ёзган аризасидан биламиз:

«Мен 1903 йилда Тошкент шаҳрида қурувчи оиласида таваллуд топганман. Ўн уч ёшимда отам вафот этган. Боқувчисиз қолгач, интернатда тарбияландим. Сўнг ишга кириб, халқ маорифи соҳасида 30 йил хизмат қилдим. 1932 йилда ОГПУ ташкилоти менинг зиммамга даҳшатли айб тақаб, аксил шўровий шахслар билан алоқада айбладилар. Аммо нотўғри кўрсатма берган гувоҳларнинг далиллари тергов давомида тасдиқланмади. Ҳуллас, тергов жараёнида ҳам, юзлаштиришларда ҳам гуноҳкорлигим аниқланмади. Ҳаракатларимда биронта жиноят изи очилмаса-да, 1933 йилнинг 28 майи куни мен 3 йилга

Хотира



Қозоғистонга бадарға қилиндим. Сизлардан менга доир ишни прокурор қайта кўриб чиқишини ва ҳақиқатни қарор топтиришларини сўрайман».

Халқимизда ажойиб нақл бор: «Етиб қолгунча отиб қол!» Жиноятчи деб эълон қилиниб, ҳибсга олинганидан кейин 27 йил ўтгач — 1960 йилнинг 7 январь куни бу протест алоҳида кўрилиб, Акбар Асқаровга доир 1933 йил 28 майдаги қарори бекор қилинсин, унинг ҳаракатида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун жиноят иши тўхтатилсин деган қарорга келинди.

Бироқ унга Тошкент ҳудудида яшамоқ ва хизмат қилмоққа ижозат тегмаган. Тошкентдан эллик километр нарида яшашга мажбур бўлган. Ўн йил бадалида Зомин, Паркент, Оққўрғон туманларида ўқитувчилик қилди, мактабда директор бўлиб ишлади, туман ва вилоят маориф бўлимини бошқарди.

...Наздимда, халқимизнинг энг асл фарзандлари шахсга сиғиниш даврида хазонрезги чоғидаги хазон янглиғ қатағон тегирмонига супурилиб кетгандек эди.

Холида АҲРОРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Пойтахтимизда жойлашган хушҳаво дам олиш масканларидан бири бўлмиш «Чинобод» санаторийси денгиз сатҳидан 470 метр баландликда жойлашган. Мазкур сиҳатгоҳ қарийб 60 йилдан бўён эл-юрт саломатлигини тикловчи масканлардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ҳудуди 18 гектар майдондан иборат сиҳатгоҳда киши руҳига енгиллик бахш этувчи сокин иқлим мавжуд. Бу ердаги бурғу қудуғи ёрдамида ер қаъри, яъни 1554 метр чуқурликдан чиқаётган сув таркибида шифобахш минераллар борлиги саломатликни тиклашда муҳим омиллардан биридир.

СЎЛИМ ГЎША ТАРОВАТИ

— Қўли енгил ҳакимлар таширф буюрувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариб, дарддан фориғ бўлишлари учун доимий изланишда, — дейди олий тоифали шифокор Рўзали Мелиев. — Бу ерда, шунингдек, барча муолажалар асосан маъданли сувдан фойдаланилган ҳолда олиб борилади. Жиззах вилоятидан келтирилган шифобахш балчиқ, парафин ва озекарит, юқори ва паст частотали электроклар, лазер нурларидан самарали фойдаланиш ҳам даволаш ишларида ижобий натижа бермоқда. Айтиш жоизки, ушбу услуб ўзбек олими Р. Раҳимовнинг замонавий тиббиётдаги ноёб ихтироси бўлиб, санаторийда ўтказилаётган комплекс даволашда ижобий натижасини бермоқда.

Шунингдек, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак йўлларини текшириб тўғри ташхис қўйиш ҳамда хасталикни даволашда «Олимпус» эндоскопи, Япония, Германия, АҚШ сингари давлатлардан келтирилган УЗИ, ЭКГ тиббий ускуналаридан фойдаланилаётганлиги касалликни барвақт, асоратларсиз бартараф этишда асқотмоқда. Санаторийга таширф буюрувчиларга қулайлик яратиш мақсадида қулоқ, бурун, томоқ, кўз, тиш шифокорлари, терапевт ва гинеколог маслаҳатчилар ҳам иш олиб бормоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айни дамда санаторийда фаолият юритаётган шифокорларнинг 60 фоизи олий тоифали бўлсалар, 5 нафари фан номзодидир. Даволаш жараёнида дори-дармонлар билан бир қаторда шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар, парҳез таомлардан кенг фойдаланилади.

Х.Мубораков бошчилигидаги сиҳатгоҳда беморлар бош шифокорнинг даволаш бўйича муовини М.Мадаминова ҳамда Холида Очилова, Абдували Назиров, Равшан Иргашев, Одилжон Мамажонов сингари ширинсухан, қўли енгил шифокорлардан даво топишаётир. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида сиҳатгоҳда талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сўнгги олти ой ичида муҳим ўзгаришлар юз берди, «Фиточой» хонаси фаолияти янада яхшиланди. Санаторий ҳудудини ободонлаштириш, иншоотларни таъмирлаш, бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Маъданли сув тортиб олиш ҳавзасида янги русумли насос ва бошқариш пульти ўрнатилди.

Даволаш шароитида эса сурункали спастик колит, сурункали холецистит, қандли диабет ва аллергодерматит касалликларини даволашда қўлланиладиган АМОК аппарати харид қилинди. Ушбу мослама ичакни мониторли тозалашда яхши самара беради. Қолаверса, у беморларнинг умуртқа поғонасини чўзишда ишлатилади. Бундан ташқари, электр тебранувчи уқалаш тиббий ускунаси ҳам олиб келинди. Албатта, буларнинг барчаси беморларга қулайлик туғдирмоқда.

— Анча йиллардан буён танамнинг қорин соҳасида кучли оғриқ безовта қиларди, — дейди самарқандлик Мақсуда Жонузоқова. — Илк маротаба мана шу сиҳатгоҳга келдик. Улар менинг касаллигим ўт қопи хасталиги эканини жуда қисқа вақтда аниқладилар. Даволаш жараёни ҳам аниқ ва тўғри олиб борилганлиги туфайли дарддан фориғ бўлдим. Бу ерда тажрибали шифокор, физиотерапия ва ташхис бўлими бошлиғи Холида Очилова ҳамда Холида Аҳмедоваларнинг одобу муомаласи кўнглимизни кўтариб, дарддан халос бўлишимизга кўмак берди.

Санаторийда кейинги йилларда даволаш ихтисослари кенгайтирилди. 1997 йили 20 ўринли қандли диабет, 1998 йили гинекология, 2000 йили эса эркаклар сийдик ажратиш ва жинсий аъзолар тизими касалликларини ўз вақтида ташхис қўйиб, замонавий даволаш мақсадида 20 ўринли андрология бўлими ташкил этилди. Ҳозирда санаторий 300 ўринга эга бўлиб, 2001 йилдан эътиборан «Чинобод» очиқ акционерлик жамиятига айлантирилган.

Бундан ташқари, сиҳатгоҳда қандли диабет билан оғриган беморларни даволаш жараёнида массаж, иглорефлексотерапия, айниқса, беморлар билан касаллик хусусида суҳбатлар уюштирилиб, яъни соғлом турмуш тарзи қоидаларини бемор онгига сингдириб, даволаш касалликнинг кечишига ижобий таъсир кўрсатаяпти. Шарқ табобати усулларидан нина билан даволаш ва шифобахш гиёҳлар дамламаларининг 20 га яқин хили шифокорларнинг тавсияларидан ўтказиб турилади. Бу дам олувчиларнинг янада яхши дам олишлари учун зарур дастуриламал бўлиб келмоқда.

Ўтган йили сиҳатгоҳда бир қанча хайрия ишлари олиб борилиб, меҳр ва мурувватга муҳтож оилалар болаларига бепул совғалар улашилди. Шу ерда ишлаб кетган нафақахўрларга моддий ёрдам берилди.

Қорақалпоғистон Республикасидан келган ўқитувчи Меҳрибон Сафоев сиҳатгоҳ хусусида шундай фикр билдиради:

— 1997 йилдан буён мен физиотерапия ва ташхис бўлимида муолажа оламан. Ўт халтамни кўтаролмай, оғриққа чидолмай, бу ерга келганимда, авваламбор, уларнинг ширинсуханлиги боис оғриқни унутдим. Тўғри ташхис қўйиб юксак идрок билан даволаши соғломлашувимизга ижобий таъсирини кўрсатмай қолмади. Жигар, ошқозон ўт йўлларини ювишда ҳамшира қизларнинг муомала одоби мақтовга лойиқ. Тўғрисини айтай, турли сиҳатгоҳларда ором олишни канда қилмайман. Аммо «Чинобод« санаторийси муолажаларининг кўплиги, таомларининг сифатлилиги, баҳаво жойлиги кишига қувват бахш этади. Эл ардоғидаги ёзувчилар, санъаткорлар ва таниқли олимлар билан учрашувлар тез-тез уюштириб турилади.

Касалликни даволагандан кўра, олдини олган маъқул дейишади. Бу борада эса сизу бизга сиҳатгоҳлар қўл келади. «Чинобод» санаторийсида даволанганлар, бу ернинг баҳаво табиатидан баҳра олганлар бу фикрни бот-бот такрорлашади. Уларнинг самимий муносабатлари бежиз эмаслигини эса сўлим сиҳатгоҳга келганингизда, яна бир карра англаб етасиз.

Моҳира СИДИҚМЕТОВА. [t]

«TORINO MOTORS» хусусий корхонаси ўз устав фондини 30.000.000 сўмга камайтираётганини маълум қилади.
Маълумот учун тел.: 168-28-80.

WBEC SERVICES
WBEC Services
ТАЛАБАЛАР ВА 35 ЁШГАЧА БЎЛГАН БАРЧА ҚИЗИҚУВЧИ ШАХСЛАР УЧУН ЧЕХИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ ВА ЎҚУВ МАРКАЗЛАРИДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА ТАҲСИЛ ОЛИШ БЎЙИЧА КОНСУЛЬТАЦИЯ БЕРАДИ.
Компания мутахассислари қизиқувчи шахсларнинг индивидуал талабларига мувофиқ ўқув дастурларини танлашга ёрдам берадилар. Дастлабки консультация бепул.
Барча саволлар билан 132-17-25 телефон рақами ёки info@wbecs.net электрон манзили орқали мурожаат қилинг.

Корхоналар, ташкилотлар ва тижорат фирмалар диққатига!
Корхона ўзи ишлаб чиқарган қуйидаги турдаги махсулотларни чекланмаган миқдорда сотади:
Гўштли консервалар:
• димланган мол гўшти (тушёнкаси);
• димланган товуқ гўшти;
• мол жигари паштети.
Гўштли ва сабзавот консервалар:
• мол гўштли гуручли бўтқа (каша);
• мол гўштли гречкали бўтқа;
• мол гўштли перловкали бўтқа.
Маҳсулот сифати амалдаги ГОСТ талабларига жавоб беради.
ТЎЛОВ ШАКЛИ — СИЗ ИСТАГАН ШАКЛДА.
Маҳсулот сертификатланган.
Тел.: (+99897) 338-40-00, 338-06-66, 330-56-80.

А. Икромов (ҳозирги Учтепа) тумани ҳокимияти томонидан «Дилоро-Азиз» мактабгача тарбия муассасаси номига берилган 000276-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 959. 20437 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 12345